

**Исакова Рахима Шахобиддинова**

*Наманган мұхандислик – педагогика институты доценти*

**Жұрабоев Мехрүзбек Мухторжанович**

*Наманган мұхандислик – педагогика институты доценти*

## **АЛИШЕР НАВОЙЙ – БҮЮК МАЪРИФАТПАРВАР СИЙМО**

**Y**луг ўзбек шоири ва мутаффаккири Алишер Навоийнинг ҳәётлик даврида унинг бир кечада портретлари яратилған бўлиб, яна бир қатор расмларда шоирнинг сиймоси акс эттирилған деб таҳмин қилинади.

Алишер Навоий шахсияти тўғрисидаги энг қимматли ва ноёб манбалар албатта унинг ўз асарларири. Шоирнинг ҳәёти ва ижодига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо уларда Алишер Навоийнинг нашр кўриниши қиёфасининг тўла ва мукаммал баёни йўқ. Ўша даврнинг машхур тарихчиси Фиёсiddин Хондамир асарларида, айниқса «Мақорим ул-ақлоу» китобида, ҳамда Зайниддин Восифийнинг «Бадои ул-вако» ва Заҳриддин Бобурнинг «Бобурнома» сида Алишер Навоий ҳәётидан қизиқарли ва ибратли лавҳалар, унинг характеристикинайт айрим қирраларини очиб берувчи муҳим кузатишлар баён қилинган.

Тарихчи Қози Аҳмад Кумийнинг хаттотлар ва расомлар тўғрисидаги «Гулистонни ҳунар» («Санъат гулистони») рисолидаги маълумотдан Алишер Навоийнинг «Мажолис ул-нағоис» таскирасини котиблар султони Султон Али Машҳади ҳусниҳат билан кўчирган, қўлёзма сахифалари расмлар билан зийнатланган еканлигидан хабардор бўламиз.

Ўрта Осиё ҳалқлари тасвирий санъати тарихида миниатюра ёки қадимги нодир қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилған нафис мўжаз расмлар жуда катта ўрин тутади. Буни кейин мустақиллик йилларида санъаткорларнинг олиб борган йирик тадқиқотлари эълон қилинган қатор рангли албомлар яна бир карра тасдиқлади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Алишер Навоий туғилған қунига 525 йил тўйини нишонлаш муносабати билан яратилған аксарият тасвирий санъат асарларидан ташқари рассомлар Тўхтабек Соипов, Жавлон Умарбеков, Иван Кириакиди, Темур Сайдуллаев, Абдулбоқи Фуломов, Темурғалиб Жамолиддинов ва бошқалар ижодида ҳам миниатюр санъати анъаналарига мурожат қилиш сезиларли даражада кучайган эди. Бугунги қунда Марказий Осиё жаҳоннинг энг қадимий маданий марказларидан бўлгани исботланмоқда. Аммо бу иш катта қийинчиликлар ва машаққатли тадқиқотлар туфайли амалга оширилмоқда. Чунки

Марказий Осиё ҳалқларининг барча меморий обидалари, зеби зийнатлари, уларнинг бадиий нафис кўчирилған китоблари, мутасиил чет эл босқинчилари томонидан талон-тарож қилиб келинди.

Абу Райхон Берунийнинг ёзишича: «... Юнонистонлик фотик Искандар Ўрта Осиё ҳалқларининг илму фан ҳазиналарини ўз мамлакатига олиб кетди. Искандар ва унинг ворислари томонидан ҳаёт воситаси бўлган ва фахр қилинадиган гўзал санъатлар барбод этилган эди. Искандар кўплаб китобларни куйдирган, ажойиб биноларни вайрон қилган» [1].

Комусий билимлар сохиби, буюк мутафаккир Алишер Навоий фан ва санъатнинг турли соҳалари: адабиёт, тарих, тил, мусика, ҳаттотлик, математика, тасвирий санъат, меморчилик ва бошқа билимларни ривожлантириш билан бирга таълим-тарбияни такомиллаштиришга ҳам катта ётибор берганди. У ўзининг «Хамса», «Макбул-ул Кулуб» каби йирик асарларида, шунингдек, «Муножот», «Вақфил», «Мажолис-ул Ноғоис», «Мухокаматул луғатайн» асарларида еса тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади.

Алишер Навоий ўзининг бадиий асарларида комик инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, маърифий асарларида еса комик инсонни шакллантиришнинг тип мазмуни, йўллари усулларини батх этади.

Алишер Навоий ўз даврининг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги таълим-тарбия ақидалари, ўзидан илгари ўтган мутафаккирларнинг қарашларини анъанавий тарзда давом еттириди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идроқининг аҳамиятини ёритиб берди.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганиши тарғиб этади. У билимни узлуксиз ўрганиш зарур дейди. Буюк аллома билим олиш тамоилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини ҳам белгилаб беради, яъни Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, ҳунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил холда билим олиш имкониятларидан фойдаланиши тавсия этади. Мутафаккир ҳар бир инсон

ақлли, аҳлоқли, билимдон, одил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, муруватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим, деб таъкидлар эди.

Алишер Навоий асарларида китоб яратиш ёки китобот санъатига оид маълумотлар салмоғли ўрин егаллади. Ҳусусан, унинг «Ҳамса» таркибидаги достонлари, «Ҳазойин ул-Маоний» девони, «Макбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида китобат санъатига таллукли фикрлар, кузатишлар талайгина учрайди. «Мажолис ун-Нафоис» тазкирасидан китобат санъати ақли тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилади. Аммо тазкирада номлари зикр этилган еллик ижодкорларнинг китобат санъатига дахлдорлиги, уларнинг ҳар бири тўғрисида батағсил тўхташ бир мақола доирасида мумкин эмас.

Алишер Навоий даври китобат санъати хусусан расм санъати ва хаттотлик маълум дараҷада қўпгина тадқиқчилар томонидан, шу жумладан А. А. Семёнов, Ҳамид Сулаймон, А. Муродов, Г. А. Пугаченкова, О. А. Акимушкип, А. А. Иванов, Н. Норқулов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Насталик хатининг мислсиз устози «Қиблат ул-қуттаб» (Котиблар пешвоси) унвони сохиби бўлган Султон Али Машҳадий Алишер Новоий ва Ҳусайн Байқаронинг тўплаб бебаҳо қўлёзмаларни китоб ҳолига келтиришда катта заҳмат чеккан. Бундан ташкари, Низомий, Фахриддин Аттор, Ҳўжа Хоғиз, Садий, Ҳусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий сингари мумтоз адабиётимиз даҳоларининг кўплаб асарлари ҳам унинг бетиним сайи-харакатлари билан кўчирилиб, авлодларга армуғон этилган.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларини муртоала қиласа еканмиз, уларда акс етган, илгари сурилган чин инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳаётга ошуvtалик, кенг маънодаги ишқ-муҳаббат ғоялари вужуди шуни қамраб олади, ўзига мафтун етади. Бу ҳам Навоий ижодининг умрбоқийлигидан, умумбашарий қадрятлар руҳи билан чуқур суғорилганлигидан далолатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар 1-жилд. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1968–1983-й.
2. Алишер Навоий, Ҳамса достони.